




ТОШКЕНТ

Газета 1986 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

ОҚШОМИ

№ 43 (8.933)

1997 йил

14 апрель, душанба

Сотувда эркин нархда

Ҳамкорлик

АМАЛИЙ ИШЛАР ДЕБОЧАСИ

Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш истагида республикамизга ташриф буюрган «Казмин Интернешнл Инк» компанияси президенти Шавкат Мудар ва компания президенти ўринбосари Аҳмад Саммарай жанобларининг сафари муваффақиятли кечди.

Мустақил Ўзбекистонимиз тараққиёти учун замонавий илгор технологияга эга бўлган қўшма корхоналар қуриш, бунинг учун эса хорижий сармояларни ўлкамизга кенгрок жалб этиш шу куннинг долзарб вазифаларидандир. Бунинг учун Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш йўлида тинмай саъй-ҳаракат қилиш, ишончли шериклар излаб топиш талаб этилади. «Казмин Интернешнл Инк» компаниясининг Ўзбекистондаги вақили вазифасини бажарувчи ватандошимиз Мухаммад Ал-Бухорий жанобларининг ташаббуси билан компания раҳбарлари Шавкат Мудар ва Аҳмад Саммарайлар Республикаимиздаги бир қатор вазирликлар ва уюшмалар раҳбарла-



САЛОР УСТИДА КЎПРИК



ободонлаштириш ишлари жонлантириб юборилди. Бу хайрли ишда барча қатори 7-кўприк қурилиши отряди, «Тошмахсустраспортқурилиши», «Тошмахсуэйкурилиши» ва бошқа ташкилотларнинг бригадалари фаол қатнашмоқда.

Тошкент тиббиёт институти ҳудудда эса ер ости транспорт йўли қурилиши бошлаб юборилди. Шунингдек Я. Колос кўчасида йирик ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Кўчанинг икки томонида ирригация шохобчалари бунёд этиляпти.

Яқинда қурувчилар Нўкус кўчасида иш бошлаб юборишади. Уларнинг кучи билан ушбу кўча Бобур ва Першин кўчаларига улашиб кетади. Ёритгич тармоқлари янгиланади.

Маҳмуд ОРИПОВ.

СУРАТЛАРДА: пайвандловчилар бригадари Н. Никифоров; 13-кўприк қурилиши бўлими янги кўприк қурилишида; бунёдкорлик ишида кўтарма кранлар айниқса ас қотати.

Рустам Шарипов суратлари.



ЯНГИЛИКЛАР
ВОҚЕАЛАР
ХАБАРЛАР

ри билан учрашиб, қўшма корхоналар тузиш ҳақида музокара олиб боришди. Музокара натижасида Ўзбекистон озиқ-овқат саноати ассоциацияси билан ҳамкорлик ҳақида келишув битими имзоланди. Битимга кўра «Казмин Интернешнл Инк» компанияси биринчи қўшма корхона бунёд этиш учун (бу корхона қорғошқа чиқарилиши шарт) 35 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратиладиган бўлди. Ўзбекистон озиқ-овқат саноати ассоциацияси ер майдони ва ишчилар билан таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси ХАМА эса ушбу ҳамкорликда қафолатчи сифатида иштирок этмоқда.

Жаҳоннинг Америка, Африка, Осиё қитъалари мамлакатларида ўз бўлими ва ваколатхоналарига эга бўлган «Казмин Корпоратив» корпорацияси тарихига кирувчи «Казмин Интернешнл Инк» компаниясининг юртимизга бўлган қизиқиши бежиз эмас.

— Ҳамкорлик давлатлари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистонга маблағ ажратишни лозим топдик, — дейди компания президенти Шавкат Мудар жаноблари. — Ёш, мустақил давлатлар ичида Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларнинг бориши, тadbиркорларга яратилган шарт-шароитлар, тинчлик ва барқарорлик бизни бу ўлкага жалб этди. Келгусида бу ерда бир қатор лойиҳаларни амалга оширишни режалаштиряпмиз. Лойиҳаларни амалга ошириш учун етарли маблағ ажратиб, замонавий технология олиб келамиз. Қўшма корхоналарда ишлайдиган етук мутахассислар тайёрлашни ҳам мўлжаллаяпмиз. Шу ўринда бизнинг вазифамиз фақат фойда қўриш эмаслигини, балки Ўзбекистон халқига фойда келтиришни, инсонпарварлик кўмаклаши кўрсатиш ниятида эканлигимизни таъкидлаб ўтмоқчиман. «Казмин корпоратив» компаниясининг олаёвват даромадининг 20 фоизини хайрия учун ажратиб келаятигани ҳам сўзимиз исботидир. Ўзбекистон озиқ-овқат саноати ассоциацияси билан имзоланган шартнома мамлакатимизда амалга оширишни мўлжаллаган ишларимизнинг дебосчасидир.

Ҳайрат РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Яқин келажақда Мовароуннаҳр кўчасида яна бир кўприк ишга туширилади. Бу янги ишбош Салор каналнинг икки қирғоғини бirlaштириб транспорт ҳамда йўловчилар қатнови учун қўлайлик яратади.

Кўприк лойиҳасини «Тошгипротранс» институти мутахассислари тайёрлаб беришди. Икки томонлама транспорт қатнови учун мўлжаллаб чизилган ушбу лойиҳа ўта замонавийлиги ва чиройли кўриниши билан ажралиб туради.

Қурилиш ишларини 7-кўприк қурилиши трести бунёдкорлари амалга оширишмоқда. Кўприксозорлар кун сайин иш суръатини ошириб боришяпти. Яқинида ишбошнинг ер ости қурилиши олиб борилаётган эди. Бугун эса бу ерда катта ҳажмдаги иш бажариб қўйилди. Хадемай кўприк устидан ўтадиган трамвай изларини бунёд этувчи бригадалар иш бошлашади.

Биз бу ерда 13-кўприк қурилиши бўлимининг бош муҳандиси А. Сафиуллин билан учрашиб, суҳбатлашдик.

— Қурувчиларимиз зиммаларига юклатилган бу масъулиятли вазифани фидойилик билан бажаришмоқда. Қисқа муддат ичида ер ости қисми бетонлаштирилиб, тиргаклар мустаҳкамланди, блоклар бир-бирига пайванд қилинди. Қисқаси ҳозир кўприк трамвай изини ётқизишга тахт қилиб қўйилди. Ушбу қурилиш ниятига етгандан кейин йўлнинг транспорт қатнови қисми яна 7 метрга ортади.

Умуман баҳор келиши билан шаҳарда



СОГЛОМ АВТОДА УЧИН ЎҚУВ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

2-Тошкент давлат тиббиёт институти Америка Қўшма Штатларининг Чикаго штатидagi Иллинойс университетиди билан она ва бола соғлигини тиклаш борасида кўпдан ҳамкорлик қилиб келади.

Яқинда институт қoшида АҚШ билан ҳамкорликда ташкил этилган чакалокларни жонлантириш ўқув марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Иллинойс университетиди бу соҳада тўлланиб қолган тадбирбалар жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида синовдан ўтиб, яхши натижалар берган. Шунинг учун ҳам билан ана шу олий даргоҳ билан ҳамкорлик қилиш йўлга қўйилди. Чакалокларни жонлантириш ўқув марказини ташкил этишдан мақсад шахримиз туруқхоналаридagi, кейинчалик вилоятлардagi акушер-гинекологларни ушбу ўқув марказида малакаларини оширишдир.

Иззат АХМЕДОВ.

Буюк аждодларимизнинг асрлар давомида яратган бебаҳо маданий-маърифий меросини кўз қорачидай асраш, халқимизнинг умуминсоний қадриятлар ҳазинасига қўшган улкан ҳиссасини бугун дунёга ёйиш, кенг тарғиб этиш, ёшларимиз онгига миллий ғурур, ифтихор, Ватанга муҳаббат ва истиклол ғояларига садоқат туйғуларини сингдириш, истисеодли ёшларни танлаб уларнинг иходий камолотига

моддий ва маънавий ҳомилик қилиш — «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг асосий вазифаларидан.

Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги-ри ишларида «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси туман бўлимининг тасис йиғилиши бўлиб

лият доираси ҳусусида, шунингдек Шайхонтоҳур туманида жойлашган бебаҳо тарихий ёдгорлигимиз — «Шайх Ҳованд Тоҳур» меъморий ансамбли, Қалдирғонбей мадрасасини қайта таъмирлаш бўйича қилинган ишлар тўғрисида тўхталиб ўтишди.

Бу туман бўлими «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг шахримиздаги олтинчиси. Дилшод ИСМОИЛОВ.

БЕБАҲО МЕРОС

ЎХШАШИ ЙЎҚ ҚУРИЛМА

«Камолот» жамғармасининг Сергели туман бўлими қoшидаги «Ахтар» масъулиятли чекланган жамиятида асбобозорлик ва бошқа саноат турлари учун зарур бўлган ускуналар яратилмоқда. Жамият муҳандислари томонидан яратилган «Ахтар-95» пайвандлаш-кеоши қурилмаси икки йилдан буён тумандаги «Иккиламчи-кораметалл» корхонасида муваффақиятли қўлланилмоқда. Ушбу қурилманинг афзаллиги шундаки, унда ёниги ўрнида... дистирилган

ган сув ишлатилади. Аникрок айтганда, қурилмада сув зарралари водород ва кислородга парчаланади. Водороднинг ёниги туйфайли ҳосил бўлувчи кучли ҳарорат ёрдаида исталган қалинлидаги металларни осонгина кесиш мумкин.

«Ахтар» жамиятининг директори Йўлдош Раҳматов шундай дейди: — Илгари металл пайвандлаш учун ишлатилган карбит ҳозир кам, бунинг устига атроф-муҳитга зарари ҳам катта. Давлат стандарт маркази томонидан тасдиқланган

қурилмаимизда эса бу иккала муаммо ҳам бартараф этилган. Шунинг айтиш кераки, «Ахтар-95» га ўхшаб қурилма Ҳамдўстлик давлатларида ҳали яратилмаган. Шунинг учун унинг истиқболи порлоқ, Хорижий мамлакатлар бозорини ўрганиш натижаси шунинг кўрсатдики, ҳозирданок Туркия, Эрон, Покистон, Ҳиндистон каби мамлакатларга «Ахтар-95» қурилмасини қўлаб экспорт қилиш мумкин. Уларда бунга талаб жуда катта.

Бобур ҲАКИМОВ.

ОНАЛАР САПОМАТЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент шаҳар саломатлик марказида «Оналар саломатлиги ва улардан туғилajak болаларни рўйхатга олиш» мавзуда семинар бўлиб ўтди.

Тошкент Давлат педиатрия институти олимлари билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда шу институт профессори Бахтиёр Қодиров, шаҳар соғлиқни сақлаш бош

бошқармаси бошлигининг ўринбосари Марям Содиқова ва бошқа тиббиёт мутахассислари ўз маърузаларида бу соҳада келажақда амалга оширилиши мўлжалланаётган ижобий ўзгаришлар ҳусусида фикр юритдилар. Аниқ режалар белгилаб олинди.

Саида ЙЎЛДОШБЕКОВА.

Япон дзюдочиларининг муваффақиятлари оламга машҳур. Дзюдо ватани бўлиш кунингиз мамлакатини терма жамоаси аъзолари республикамизда дзюдо федерациясининг тақдирига биноан юртимизга ташриф буюришди. МХСК залида Ўзбекистон ва Япония дзюдо терма жамоалари аъзолари ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилди.

— Япон дзюдо кураши усталарининг бизнинг тақдиримизни қабул қилиб энг кучли таркибда республикамизга келишлари эътиборли воқеадир. — дейди биз билан суҳбатда республика

терма жамоасининг катта мураббийси Нусрат Валиев. — Чунки бу мулоқотлар, ўртоқлик беллашувлари ўтказишдан мақсад ҳам дзюдо ма-

ЭНГ КУЧЛИ ТАРКИБДА

МХСК спорт мажмуасида сузиш бўйича ўқувчилар ўртасида ўтказилган мусобақа нияҳосига етди. «Камолот» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими, мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамияти ҳамда «Умид» болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамкорликда ўтказилган бу мусобақада 70 нафардан зиёд ёш спортчилар қатнашдилар. Беллашувлар ёш тоифаларига кўра 3 гуруҳда ўтказилди. Мусобақа дастуридаги 1000, 800, 500 ва 100 ме-

табининг асосчилари бўлиши япон усталарининг техник, тактик маҳоратлари билан яқиндан танишиш, келажақда жуда асқотадиган ама-

БУГУНГИ КУН НАФАСИ

МАМПАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Латвия ташқи ишлар вазири Валдис Биркваси қабул қилиди. Валдис Бирквас Бош вазир Уткир Султонов билан ҳам учрашди. Ташқи ишлар вазирилигида Ўзбекистон билан Латвия ҳукуматлари ўртасида савдо-иқтисодий ҳамда илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссияни ташкил этиш тўғрисидаги битим имзоланди ҳамда ҳукуқий соҳада ҳамкорлик қилиш ҳақидаги аввал имзоланган шартноманинг ратификация ёрлиқлари алмашилди.

● Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий масалалар, фан ва маданият ҳамда ҳусусийлаштириш ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш мажмуалари мажлисларида инсон манфаатларини таъминлаш борасида йилнинг биринчи чора-гида бажарилган ишлар таҳлил этилди.

● Нўкусда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан экология, саломатлиқни сақлаш, Оролбўйи ҳудудда яшаётган аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, кредитлар бериш дастурий лойиҳасини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

● Тошкентда шахсий томорқа ва деҳқон ҳўжаликлари уюшмасининг таъсис қурултойи ўтказилди. Унда ушбу уюшма низоми тасдиқланди, унинг бошқарув органлари сайланди.

● Термизда 1000 абонентга мўлжалланган уяли телефон алоқаси мажмуининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди. «Ўздунробиота» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси ҳозирги вақтда Қўқон, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларида ҳам уяли алоқа тармоқлари барпо этилпти.

ҲАМДУСТЛИКДА

● Россия Президенти Борис Ельцин мамлакатда корупцияга қарши курашни кучайтиришга қаратилган фармон чиқарди. Унга кўра эндиликда фақат давлат амалдорларига эмас, балки уларнинг оила аъзолари ҳам ўз даромадларини декларация қилишлари шарт бўлади. Корупциянинг олдини олиш мақсадида федерал бюджет маблағлари ҳисобига ҳамма нарсани ҳарид қилишни танлов асосида йўлга қўйиш ҳам кўзда тутилган.

● Белоруссия Президенти Александр Лукашенко АҚШ Президенти Билл Клинтонга мактуб йўллади. Унда сўнгги пайтда Белоруссияда рўй берган воқеалар, икки давлат ўртасидаги муносабатлар изоҳлаб берилган. Маълумки, Белоруссия томони АҚШ элчихонасининг биринчи котиби Серж Александровни жосусликда айбалаб, уни мамлакатдан чиқариб юборгандан сўнг АҚШ Белоруссиянинг янги элчисининг Вашингтонда иш бошлашини номаъқул деб ҳисоблаб, уни мамлакатга киритмаган эди. Ҳозирча Билл Клинтон Александр Лукашенконинг мактубига ўз муносабатини билдирганича йўқ.

● Жаҳон банки Тожикистонга мамлакатдаги камбағаллик муаммоси кескинлигини камайтиришга қаратилган 12 миллион долларлик кредит ажратишини маъқулади. Бу маблағ камбағаллар учун бошпаналар қуриш, ночор оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, республикада озиқ-овқат маҳсулотлари еттиштиришни кўпайтириш мақсада-рига сарфланиши мўлжалланган.

ХОРИЖДА

● Кеча Истанбул шаҳрида туркий давлатлар ва жамоалар дўстлиги, қардошлиги ва ҳамкорлиги масалаларига бағишланган анъанавий бешинчи қурултой нияҳосига етди. Унда Ўзбекистон маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев бошчилигидаги республикамиз делегацияси ҳам иштирок этди.

● Берлин суди Эрон сиёсий раҳбариятини 1992 йилда бу ерда 4 муҳолифатчини ўлдирган бевоқиф буйруқ берганлигида айблагандан сўнг Германия ҳамда Европа Иттифогига аъзо бошқа мамлакатлар ўз элчиларини Техрондан чиқариб олдилар. Сўнгги қуналарда жаҳондаги бошқа айрим давлатлар ҳам ўз элчиларини Техрондан чиқариб олмоқдалар. Эрон пойтахтининг ўзида эса Берлин суди қарорига кескин норозилик билдирилган кўпминг кишилик намойишлар давом этмоқда.

● Кеча Лондонда Европа таъмирлаш ва тараққиёт банкининг йиллик олтинчи конференцияси бўлиб ўтди. Шарқий Европа ва Марказий Осиё молия бозорини ривожлантириш унинг кун тартибидagi энг асосий масалалардан бири бўлди.

● Бугун Албанияга халқаро ҳамжамиятнинг тинчлиқни сақлаш кучлари киритилади. Асосан Италия ҳарбийларидан иборат бу тинчлиқни сақлаш кучлари Албанияда уч ой муддатда бўлиши кўзда тутилмоқда. Шу давргача мамлакатда парламент сайловлари ўтказилмас, уларнинг бу ерда бўлиш муддати узайтирилиши мумкин.

● Исроиил маъмурилари бошқаруви фаластинликлар ихтиёрига берилган Хеврон шаҳрида тартибсизликлар давом этаётганлиги сабабли бу ерга ўз қўшинларини киритишни мўлжалламоқда.

● Эквадор Олий суди мамлакатнинг собиқ президенти Абдулла Букарани қамоққа олишга қарор қилди. У ҳизмат вазифасини суистеъмол қилиб, давлатнинг катта миқдордаги пул маблағларини ўғирлашда айбонланмоқда.

● Бугунги кунда жаҳонда яшаш учун энг қиммат шаҳар Гонконг ҳисобланган экан. Хориқликлар учун бу шаҳарда бир кеча-кундуз бўлиш 474 долларга тушар экан. Токиода бир кун бўлиш 430, Москвада эса 380 долларга тушар экан.

ЧИМКЕНТДАН ҒАЛАБА БИПАН

Чимкент вилоятининг Абай шаҳарчасида бокс бўйича ҳизмат қўсган спорт устаси Нуржон Сманов хотира соврини ўчун 1981-82 ва 1983-84 йилларда тузилган ўсмирлар ўртасида халқаро турнир бўлиб ўтди. Мусобақаларда 28 килграммга ва 71 килграммга бўлган 24 та вазиносифасида 130 та яқин ёш чари қўлқоп усталари ўзаро куч сынашди. 4ч кун давом этган ушбу мусобақаларда пойтахт касаба уюшмалари кўнгилли спорт жамиятида маҳорат сирларини ошираётган 7 нафар ўсмирларимиз ҳам иштирок этиб, яхши натижаларни қўлга киритишди.

Шуниси қувонarliки, 42 килграммгача бўлган вазнда тошкентлик И. Нияматов барча рақибларини енгиб ҳурмат шоҳуспасининг энг юқори поғонасинан жой олди. 32 килграммликлар орасида Ш. Холмиков, 40 килграммликлар ўртасида И. Абдувоҳидов, 52 килграммгача вазнда эса Д. Тўйчиев каби ҳамшираларимиз финал беллашувларида мағлуб бўлиб иккинчи ўринларни эгаллашди. Яна бир пойтахтимиз вакилига унвонини ўрин наёиб этди.

Дамир ИСЛОМОВ.

ЎҚУВЧИЛАР БАҲСИ

МХСК спорт мажмуасида сузиш бўйича ўқувчилар ўртасида ўтказилган мусобақа нияҳосига етди. «Камолот» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими, мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамияти ҳамда «Умид» болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамкорликда ўтказилган бу мусобақада 70 нафардан зиёд ёш спортчилар қатнашдилар. Беллашувлар ёш тоифаларига кўра 3 гуруҳда ўтказилди. Мусобақа дастуридаги 1000, 800, 500 ва 100 ме-

трларга сузишда ўқувчи спортчилар яхши натижаларга эришилди. Ўз ёш тоифаларида Юнусободдаги 246-мактаб ўқувчиси Павел Резников, Зулфия Запарова (Чилонзор тумани, 178-мактаб) ва Анна Маматқазина (Ҳамза туманидаги 144-мактаб)лар галиб деб топилдилар. Уларга «Камолот» жамғармаси ва «Ватанпарвар» жамиятининг махсус совринлари топширилди.

Ботир ХУСАНОВ.

ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР

ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР

КУЗДАГИ ОЎЛМ

БИР КУНИ Имом Содиқнинг яқин дўстларидан Ҳишом бин Ҳакимга Абдулла Дайсоний деди: — Сенинг парвардигоринг борми? — Ҳа! — деб жавоб қилди Ҳишом. — Парвардигоринг ҳар нарсасига қодирми? — Албатта! — Парвардигоринг бутун оламни битта туҳум ичига жойлай оладими? Аммо бунда олам ҳам, туҳум ҳам ўзгармаслиги шарт. — Яхши жавоб бериш учун менга муҳлат бер. — Майли, бир ой муддат етар. Ҳишом бин Ҳаким отта миниб Имом Содиқнинг қошига келди ва деди: — Дахрийл Ҳадан Абдулла Дайсоний менга бир савол берган эди. Унинг жавобига қийналмакдман, менга ёрдам берсангиз. Имом Содиқ саволни тингладилар ва бироз сукут сақлаб дедилар: — Эй Ҳишом! Инсонда нечта сезги аъзоси бор? — Бешта. — Улардан қайси бири энг кичик аъзо? — Кўз.

Ривоятлар

— Тўғри! Энди кўзларинг билан пастта ва юқорига кара. Нималарни кўрасан? — Осмонни, ерни, уйларни, боғларни, биёбонларни, тоғларни ва денгизларни. Имом Содиқ дедилар: — Узинг яхшилаб ўйлаб кўр, туҳумдан ҳам кичкина кўзларинг ичига бутун олам жойланган эмасми? Шу кўзларинг билан бутун борлиқни кўрасан. Бундан на кўзларинг катталашаяпти, на борлиқ олам кичкиналашаяпти. Саволингга аниқ жавоб шудир.

ПАФЗ

МУСУЛМОНЛАР иккинчи халифа даврида Аҳ-воз шаҳрини фатҳ қилдилар ва унинг ҳокими Хурмузни асир олиб, ҳазрат Умар қошига келтирдилар. Халифа Умар унга дедилар: — Иймон келтиришинг керак ёки тўғиз қа-мида ўлиб кетасан! Хурмуз деди: — Ўлганимдан кейин бирон бир ниятимни амалга ошира олмайман. Ўлимимдан аввал бир идишда сув беришинг, токи ташна бўлмай у дунёга кетсам.

Ҳазрати Умар сув келтиришни буюрдилар. Хурмуз деди: — Биз ҳамма вақт гахвар идишларда сув ичардик, бу гуллик қосада сув ичмайман. Ҳазрати Умар унга чимирлиб қарадилар. Бу мажлисда Ҳазрати Али ҳам бор эдилар, улар дедилар: — Бунинг аҳамияти йўқ, унга шиша идишда сув келтиринг!

Соф гахвар идишга сув тўлдириб келтиришди. Хурмуз идишни қўлига олди ва лабига олиб бормай атрофга алаңлаб турарди. Шунда Халифа Умар дедилар: — Энди нега ичмаёсан?

— Ўлимдан қўқиб ичмайман, бу сувни ича бошлашим билан мени ўлдирасиз. Ҳазрат Умар дедилар. — Йўқ! Ахир биз сенга ваъда бердик. Сен шу сувни охиригача ичмагунингча, ҳеч ким зийн етказмайди.

Хурмуз бу гапни эшитиши билан сувни ерга тўкиб юборди. У мусулмонлар бирон ваъда беришса, унга албатта қаттиқ амал қилишларини билар эди.

Халифа Умар унинг хўйласидан таажубландилар ва Ҳазрати Алига қараб дедилар: — Энди нима қиламиз? Ҳазрати Али дедилар: — Сен унга сувни охиригача ичмагунингча ўлдирмаймиз дединг. У эса идишдаги сувни ичмади, демак, ўлдиршига асло ҳаққимиз йўқ! Хурмуз деди: — Энди менда ўлим хавфи йўқ ва хотиржамлик билан Аллоҳга иймон келтираман.

СИНОВ САВОЛ

ТўП-ТўП бўлиб кўчада ўйнашаётган болалар ҳар тарафга қочиб, овга кетаётган Маъмун ва унинг мулозимларига йўлни бўшатишди. Аммо тўққиз ёшли Имом Жавод ўз жойида тураверди. Бу ҳолни кўрган Маъмун таажубланди ва болани ўз ёнига чақириб деди:

— Ҳамма болалар тарқалишди, нега сен ўз жойингда турибсан? — Йўл кенг, бир чеккада ҳеч кимга халал бермай турибман. Иккинчидан бировдан қўрқадиган гуноҳ иш қилганим йўқ. — Қандай яхши жавоб! Исиминг нима? — Муҳаммад.

— Кимнинг ўғлисан? — Али бин Мусо ар-Ризонинг. Маъмун хурсанд бўлиб деди: — Офарин, биз яна қўришамиз, мен тез қайтаман.

Маъмун овга кетди ва ҳеч нарсаси тутта олмади. Маъмуннинг ов бурғути қўш овлаш учун қўқча қўтарилди, лекин қўштар илчимади. Ов бурғути бир соатлар чамаси кўздан қочиб бўлди ва тумшугида кичкина бир балиқ билан келди. Маъмуннинг ҳафсаласи пир бўлди. Сўдан тушкун бир кайфиятда қайтди. Ўша кўчадан ўтаётганда яна Имом Жаводни кўрди ва қўлиб деди:

— Қўлимда нима борлигини айта олсанми? Имом Жавод бироз ўйлаб туриб деди: — Аллоҳ Таоло ўз раҳмати билан кичкинагина балиқларни ҳам яратган. Овчи қўшлар уларни тутадилар. Султонлар эса пайғамбар авлодларини синаш учун савол берадилар.

Маъмун ҳайратдан ёқа ушлади, ёшгина Имом Жаводнинг донолигига қойил қолди. Кейинчалик Маъмун Имом Жаводни вазирликка тайинлади.

ОМОНАТНИ САҚЛАШ

АБДУЛЛА бин Санон Аббосий халифалардан Мансур, Махдий ва Хорун ар-Рашидлар саройида хазинабонлик қилган эди. Имом Содиққа ҳам катта эҳтиром кўрсатарди. Унинг ўзи шундай ривоят қилибдир: Масжидда ҳазрат Имом Содиқ ёнида эдим. Улар аср намози тугагач, юзларини қиблага қаратиб ўтирардилар. Мен дедим:

— Ё бин Расулullo! Амалдорлар бизга ўз молларини омонатга топширмақдлар. Уларни асраганлик учун улуш олмас бўладими? Ёки омонатларини тўлиғича топширишимиз керакми? Ҳазрат Имом Содиқ дедилар:

— Сени рози қилишлари уларнинг ихтиёрида, аммо омонатни тўлиғича қайтариш керак. Қасам ичиб айтманки, рақибим Мулжам менга омонат топширганида ҳам унга хиёнат қилмай қанчон хоҳласа ўша пайтда омонатини тўлиқ қайтарар эдим. Ҳатто отамнинг қотили менга шамширини омонатга топшириб, қайтаришни сўраса, уни қайтариб берадим. Чунки унга сўз берган бўламан, сўзининг устида туриш, омонатга хиёнат қилмаслик меннинг бурчимдир.

Форсиддан Бахриддин ТУҒҒУНОВ таржумаси.

Ҳикматлар

БЕРУНИЙ
ДЕЙДИКИ...

Мен фан соҳасида керак бўлган ишларни диққат билан бажардим, яъни ўтмишдошларим қилган ишлар натижасидан фойдаландим, уларда бўлган хатоларни тузатишга журъат этдим, қўлга киритган натижаларни келгуси авлодга мумкин қадар ёзиб қолдиришга уриндим.

Донишманд ва олимларнинг ахлоқини ўрганиш яхши ҳулқа етказди, ёмон ҳулқни эса ўлдиради. Яхши ҳулқ яхшилиқнинг аломатидир.

Одамзоднинг тубан даражаси ҳам ўзидан тубанроқ бўлган бировга эғалик ва раислик қилишдан ҳоли эмас.

Хато содир бўлмаслик учун донишмандлар қайта-қайта қузнатишни ва халал етиш имкониятидан сақланишни тавсия қилганлар.

Билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил бўлади.

Билимнинг соҳалари кўп ва юксалиш, тараққиёт даврининг донишмандлари илм-фанга узлуқсиз муносабат қилганликлар сари у янада кўпаяди. Одамларнинг илмини эгалашга интилиш, фанга ва фан намоёндаларига ҳурмат-эҳтиром билан қарашлари шунинг аломатидир.

Илм-фан тараққиёти ҳақида ғамхўрлик қилиш, аввало кишилар устидан ҳукм юртакдиган шахсларнинг бурчидир.

Жудоникдан аччиқроқ нарсаси йўқ.

Кўпчилик ўртасида одат бўлган нарсасига қарши чиқма.

Эҳсон қилувчининг миннати қилган эҳсонини йўққа чиқаради.


Кишига энг яқин нарсаси бу унинг ўз дили бўлиб, биринчи навбатда ўз дилига, ундан кейин эса ўз теваригидаги энг яқинларига яхшилик исташи лозим.

Тўпловчи: Фахриддин НУРИДДИНОВ, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.

Ўша кезлари Абдураҳмон Исмоиловнинг «Тўхматчилар жазоси» спектакли устида қизгин иш олиб бориладилар. Бош роль ижроқиси бетоб бўлиб қолганлиги сабабли асарни сахнага олиб чиқиш мушкуллашиб қолди. Шунда режиссёр тўғра-ракка эндигина келган Раҳим Пирмуҳамедовга синовчан бир назар ташлаб «10 кун муҳлат, матнни ёд олинг, хатти-харақатларни унга мосланг. Синовдан ўтсангиз ишингиз беш бўлади» — деди. Ролга ташна йигит икки куннинг ичида образни

этишга ўзида ҳавас сезарди. Шу боис драматик воқеаларга бағишланган сценарийга ўзи ҳажвий образ киритар ва уни ижро этарди. Ёзиб қолдирилган хотираларига қараганда режиссёр М. Усольцев 1935-36 йилларда биринчи ўзбек овозли «Қасам» бадийи фильмида Раҳим акага мос роль топиб бера олмаган. Шунда режиссёр унга: «Раҳим ака, сценарий билан танишиб чиқдингиз, энди ана шу фильмининг руҳига мос келадиган бир роль ёзингиз, уни ўзингиз ижро этинг» — деди. Раҳим ака 20-

Енамо

ҲАЁТДА ҲАМ
ХУШЧАҚЧАҚ ЭДИ

қиймега етказиб, устози, ёру биродарларини хайратга келтирди. Ўша дастлабки роль, биринчи табрик, илк қувонч унга куч-гайрат берди...

Тез орада уни профессионал театрга таклиф этишди. Сахнада ўнлаб образлар яратди. Улкан заковат, истеъдод соҳиблари — Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Абдор Ҳидоятлов, Фатхулла Умаровлар билан ҳамкорликда ижод этиш шарафига муяссар бўлди.

1925 йил Шайхонтохурда ўзбек кино ширкати пайдо бўлди. Кинонинг техник имкониятлари, бадийи воситалари уни мафтун этди ва кино сирларини ўргана бошлади. Шу тариха экранда роль ўйнаш истаги пайдо бўлди. Омади, чопиб кўп кутмади. Театрда у ҳажвий ролларини ўйнаб танилиб қолган эди. 1927 йилга келиб унга бир йўла тўрт роль топширилди. Актёр «Ровот қашқирлари», «Мачит гумбазлари остида», «Соябон арава» ва «Чавон» каби биринчи ўзбек бадийи фильмларида турли образлар яратди ва мухлислар олқисини қозонди.

У айнақса, ҳажвий ролларни ижро

йиллардаги ўзбек кишлоғида пайдо бўлган биринчи мишрабнинг ҳажвий образини яратди ва унга ўз исминини берди. Биргина эпизодда 20-йилларнинг ўрталаридаги ўзбек кишлоғини, айрим кишилар онгини, айрим зиддиятлардан халос бўлмаган характерни очик-ойдин таърифлашга эришди. Раҳим — мишраб образи фильмда ўзининг ҳаётлиги билан ажралиб турди.

«Мен ҳажвий ролларни ўйнаб, томошабин дилини ҳушнуд этганини яхши кўраман. Қаҳрамонини ўраб турган муҳит, турли персонажлар, диалоглар сценарийда мукаммал таърифланганими — йўқми шуларга аҳамият бераман. Кеча-кундуз устида ишлайман, турли хатти-харақатлар, сўзлар, бадийи воситалар излайман. Олдинги ролларимда қўлланган услубларимни қайта қўлламайман» — деб хикоя қилган эди актёр. Унинг театр ва кинодаги ролларининг ранг-баранглиги, бир-бирига ўхшамаслигининг боиси ҳам шундадир.

Раҳим акани кўп актёрлар устоз, деб биладилар. Аслида ҳам у кўп ижрочилар олдида мураббийлик вазифасини ўтаган, 1934 йили ўзбек киностудиясида очил-

ган актёрлар студиясига раҳбарлик қилган. Уларнинг, малакали ижрочи даражасига қўтарилиши учун студияда шарт-шароит яратган. Биргина мисол: 1943 йили Раҳим Пирмуҳамедов номини ширкатига, киностудияга кириш ниятида юрган Юлдуз Ризаевани бошлаб келди. Шу тариқа Юлдуз Ризаева киностудияда ижод эта бошлади.

Унинг кино оламига кириб келишида актёрларни севган, меҳнатини қадрлаган Раҳим ака Пирмуҳамедовнинг хизмати катта бўлган.

Раҳим ака ўта талабчан санъаткор эди. У бош ролларда ўйнаганида ҳам, биргина эпизодда пайдо бўлганида ҳам аввало ўзига нисбатан бўлган талабчанликни су-сайттирмаган, масъулиятини ҳамиша сезиб турган. Бошқалардан ҳам шуни талаб этган. У синчков, кўча-қўйда одамларни кузатиб юриб, кейинчалик ўз қаҳрамонларининг ташқи қиёфасини ифодалашда ор-тирилган ўша бой «хазинадан» кенг фойдаланган. Бу фазилатлари «Абу Али ибн Сино» фильмида ҳам унга ёрдам берди. Буюк табиб сиймосига қарама-қарши қўйилган Абулхайр образи устида ишлаган Раҳим ака бу гал ҳам матнга нисбатан талабчан бўлди. Ҳақиқий шифокор Ибн Сино ва қаллоб табиб орасидаги ўткир зиддиятни, тафовутни кўрсатиш йўлида кўп изланди. Янги ижро воситаларини топди. Узоқ ўтмиш муҳитини, табиблар илминини ўрганди.

Қалбаки табибнинг дуосини ифодалашда унга бадийи сўз устаси Гафур Фулом ёрдам берди. Шоир хонадониди Абулхайрнинг ҳаракатига мос келадиган иборалар, сўзлар топилди. Бу эса пировардида об-раз моҳиятини очишга, шунингдек, бош қаҳрамон — Ибн Синога чўқур тавсиф бериш учун ҳам хизмат қилди.

Сўнгра Раҳим Пирмуҳамедов талқинида «Алишер Навоий» фильмида Абдумалик, «Ўтган кунлар»да Қўрбоши, «Икки дил достон»да вазир, «Ҳамзада Гибсёвжа», «Фарғона қизи»да тракторчи Полвон, «Асал»да Ҳасан боғбон каби образлар пайдо бўлди. Айнақса, «Махаллада дув-дув гап» фильмидаги Арслон образи барчага маълум. Фильмда Арслоннинг рафикасининг ўғли ҳақидаги сўзларига парво қилмаслиги, овқатни мўл истеъмол қилиши, сув бўйида мириқиб ухлашлари ёки «Ўғлим овқатингн ичмайсанми?» деб навбатдаги қосани бўшатишлари томошабинга ёд бўлиб кетган. Лекин ҳамон қулдиради, фикр уйғотди.

Раҳим Пирмуҳамедов ўз ҳаётида ҳам кўп қаҳрамонлари каби хушчақчақ, удабурон, серташвиш инсон бўлганди... Машхур санъаткор тирик бўлганида 100 ёшга киради...

Шоира ИБРОХИМОВА.

СУРАТДА: Раҳим Пирмуҳамедов

«Лайлак келди ёз бўлди» фильмида.

Ёш авлодни тарбиялаш, уларни чўқур билимли, юксак маданиятли, ахлоқ-одоби тўзал, фикр доираси кенг ижодкор инсонлар қилиб воғга етиштириш муҳим вазифадир. Тарбия — илгари ҳам, ҳозир ҳам кун тартибига қўйилган энг долзарб, жуда муҳим, эскир-маййдиган, назардан қочириш мумкин бўлмаган жиддий масаладир. Шу кеча-кундузда ҳам жиноятчиликнинг борлиги тарбия ишининг заиф томонлари мажмуҳлини оқибатидир. Кишилар бир-бирлари билан ҳол-аҳвол сўрашганда «қанча давлатингиз бор, мол-мулкнингиз сероми, дангиллама иморатда истикомат қиласизми, машина ва дала ҳовлига эгамисиз?» демайди, «қанча фарзандингиз бор, уларни уйли-жойли қилиб тиндирдингизми?» дейди. Чунки инсон номи наслдан-наслагга етказиб, авлоднинг сақланишига ва давом этишига сабабчи восита фарзанддир. Ота-онанинг берган яхши тарбияси туфайли фарзандлари одобли, ахлоқли, фаҳм-фаросатли, ҳушхўл, ширин сўз ва меҳнатсевар бўлиб улғаяди.

Ҳаётимизда болаларнинг ёмон тарбия топишига ота-оналарнинг ўзлари сабабчи бўлган ҳоллар ҳам учраб туради. Ота-оналарнинг бир-бирлари билан аҳил-иноқ яшамаслиги, жанжал-тўполоннинг кўп бўлиши, улар оғзидан чиқадиган беибо сўзлар, ёлгон-яшшак ва адов, оиладаги носоглом муҳит тарбияга салбий таъсир этади. Ота-онанинг ўзи ибрат бўлиши, фарзандларини ўларга ҳавас қилиши, ота-оналарини кўрганларида зўр иззат-икром билан қарши олишлари, улар билан фахр-ланишлари муҳим омилдир.

Инсоннинг ҳаёти бир чашмадек нарсаси, у ифлосланмаслиги, лойқаланмаслиги, тоза ва покиза бўлиши ва бошқа-

ларни шу зилол чашмадан баҳраманд этиши лозим. Фарзанднинг юриш-туришидаги киборлик, одоб-ахлоқидидаги нуқсон, муомаладаги қўполик, катта-кичикни менсимаслик, янги

ЧАШМАДЕК ТИНИК

(«Тошкент оқшом»да 10 март 1997 йилда босилган «Уч илдиз» мақоласини ўқиб)

Кийим кийишга руҳу қўйиш, мода кетидан қувиш шу чашманинг лойқаланшидан далолатдир. Ҳар бир оиладаги моддий ва маънавий шароит ўша оилада воғга етаётган фарзанднинг ақлий, ахлоқий ва эстетик сифатларини белгилайди. Шунинг учун фарзанднинг эҳтиёжлари оила имкониятлари даражасидан чиқмаслиги керак. Инсон ҳеч вақт онадан молпараст, яхши кийимга ўч бўлиб тугилмайди. Унинг ота-она ва ўзидан катталардан олган тарбияси, яшаб турган шароити болада ижобий ёки салбий ҳусусиятларни ву-жудга келтиради. Ота-она фарзандига инсоннинг қадр-қиммати, иззат-ҳурмати, обрў-этибори, кийган кийими билан эмас, меҳнати, қилган хизматлари, инсонларга етказган фойдаси билан ўлчанишини ўқ-тириб бориши, улар онгига си-нгдириши лозим. Ўқувчилар орасида кўзга яққол ташланадиган бир ҳусусиёт борки, қим-матбаҳо кийим, тилла соат, тил-ла узук ва зирақлар тақиб юра-диган қизларнинг характери ҳам ўзгача бўлади. Уларда мағрур-ланиш, кеккайиш, бошқаларни менсимаслик кайфияти сезилиб туради.

Ота-оналарнинг бир-бирла-рига бўлган самимий муноса-

батларигина эмас, уларнинг кийиниш одоби ҳам ёш авлод-нинг қандай шахс бўлиб воғга етишига ўз таъсирини кўрсата-ди. Фарзандларда кийиниш, юриш-туришда ҳаддан ташқари

маслигимиз керак. Уларнинг қўлларига жарақ-жарақ пул ту-шса, ўқишга ва бирор ҳунарга нисбатан бўлган меҳрлари со-виб, эртанги кунини ўйламай, фақат бугунги кун нафаси ва ор-зуси билан яшашлари наҳотки уларнинг ота-оналарини таш-вишга солмаса?

Ўқувчиларнинг ҳаммаси мак-табга бир хил форма кийиб борган вақтларида бой-камба-ғаллик ҳам, кўнгил ўқисиш ҳам бўлмас эди. Ҳозир ҳамма ўқу-чилар формада қатнаётти деб бўлмайди. Уларнинг кўнчилиги ўзлари ёқтирган кийимда қат-намоқдалар. Ўқувчилар ораси-да ҳатто ўқитувчиларга нисба-тан тузуқроқ кийинадиганлари ҳам бор. Буларнинг кўнчили-лик бозор-ўнарда савдогарчи-лик қиладиган болалар ташкил этади. Сир эмас, ота-оналар орасида новвой, кўнчи, косиб, дурадгор, бўёқчи, сувоқчи ка-би касблар билан тирикчилик ўтказувчилари бор. Уларга дас-тёрлик кийиб ёнидан пул ари-маййдиган, турли кийимларни олиб кияётган болалар ҳам та-лайтина. Фарзанднинг ота-она оғирини енгил қилишга, улар-нинг юмушларини бажариш учун кўмаклашишларига ҳеч ким қарши эмас. Фарзанд ёш-лигида бирор касбни эгалла-син, меҳнат қилишга ўргансин. Лекин ёнларига тушадиган пул-ларнинг чегараси ва қиядиган кийимлари назорат остида бў-лиши лозим.

Биз фарзандимизни тарбия-лар эканмиз, унинг жисмонан соғлом, бақувват, кўркам, одоб-ахлоқли, ақли-ҳушли, тартиб-интизомли бўлишини, ўзига ярашадиган сипо кийи-нишини, бошқалар кўрганда, сўхбатлашганда ҳавас қила-диган, мустақил Республикамиз ривожига ҳисса қўша оладиган, элимизга муносиб инсон бўли-шини оруз қиламиз.

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ,
ўқитувчи.



Сиз ҳаётнинг ёрқин чароғи,
Сўзларингиз ҳикмат булоғи.

Ҳурматингиз сақлашимиз мўлҳом.

Уйил-қўзнинг сизга ардоғи.

Рустам Шарипов олган сурат.

Соғлом авлод учун

МАҲАЛЛАПАРДА ТИББИЙ
КҮРИКЛАР

«Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг Сергели ту-мани бўлими ходимлари ва шифокорлар махсус «Амбуланс» машинасида икки ой мобайнида бевосита маҳаллаларда бў-либ, болаларни тиббий кўриқдан ўтказдилар. «Мустақиллик» маҳалласида ўтказилган йиғилишда ушбу тиббий кўрик нати-жалари муҳокима этилди. Жамғарманинг маҳалла қўмитала-ри, мактаб ва муассасалар, жамоат ташкилотлари билан ҳам-корликда жойларда она ва болалар соғлиги, атроф-муҳит озо-далиги ва бошқа мавзуларда ўтказилаётган давра сўхбатла-ри шулар жумласидандир. Шунингдек, муҳтож оилаларга тиб-бий хизмат ва ногиронларга ёрдам кўрсатиш ҳам доимо эъти-борда бўлаётти. Маҳаллада ўтказилган йиғилиш сўнгиди «Со-ғлом авлод учун» жамғармаси Сергели туман бўлимининг раи-си Дилбар Аҳмедова жамғарма назоратидаги болаларга за-рур дори-дармонлар тўпламини топширди.

Гулнора ХОЛБЕКОВА.

Қизлар одоби ҳақида гапирар эканмиз, ўйга қўйиб қоламиз. Кўз ўнгимда ўзбек қизига хос бўлган том маънодаги одобни муҳасам-лаштирган Қумушбоби жонанаваради ва ҳозирги кундаги қизлари-миз орасидан уни қидираман.

Қизларжон, сиз эртага келин, индингга эса она бўласиз. Аёл деб аталган мўқаддас ном бизга берилган. Баъзан ўзимизни йигитлар билан бир қаторга қўймоқчи бўламиз бизни улардан фарқлаб тура-диган ибод, ҳаё, ифбат, уятчанлик деган туйғуларимизни йўқотиб қўямиз. Ташқи гўзаллик ҳам ўша туйғулар билан боқийдир. Йигит-лар ўша туйғуларимиз туфайли бизни қадрлашади. Шоирнинг ушбу сатрлари ёдимга тушади.

Гўзал ҳуснининг бузғувчи ёмон ҳулқинг деган сўз бор. Кўёшдек қизларингга жо Ибод ҳар вақт — сенинг ҳуснинг.

Одобнома

ЧИН ГЎЗАЛИК

Агар қиз бола одобли, ҳушмуомала бўлса, яхши ном олади, ҳеч қачон ёмон сўз эшитмайди.

Кийим танлаш, уни қарға, қачон кийишни билиш ҳам одоб дои-расига қиради. Ўқишга борганда, дугоналарингиз каби содда оқ кофта ва қора юбка ёки хаворанг, жигарранг қўйлак ва фартук кийсангиз, ўқувчи ёшлар эканингиз кўриниб туради. Мактабга зин-хор кўпчиликнинг эътиборини тортадиган, ялтироқ, ўта бақана кийимлар кийиб бориш одоб доирасига кирмайди.

Бир кун Сожид мактабга ўзига оро бериб ёлқалари очик коф-та, тор шим кийиб келганини кўрган болалар бир-бирларига қараб мазах қилиб, кула бошладилар. Сожид эса уларга ўқрайиб: «Ёқма-са менга қарамай кўяқолинглар, сенлар модани тушунасанларми?» — деб жержи берди. Синфда Сожиднинг кийиб келган кийими, бўялган лаблари, пахмоқ сочи ўқувчилар учун анчагача маззу бўл-ди.

Биз Шарқ одобида бинаон кийиниш лозимлигини билиб олсак, бошқалар олдида ўзимизни ноқулай сезмаймиз.

Қиз бола мисоли очилмаган гўнча. Унинг кийиниши ҳам гўзал бўлмоғи лозим. Кийимини ёшигаўзига ярашасини кўринг. Катталар қиядиган қиммат кийимларни кийишга шошилманг. Ўйда покиза, озода, ҳаво ўтказадиган, тез-тез ювиб қийиладиган қўйлак ва хал-латларни ўзингиз чиройли матолардан тикиб, кийиб олсангиз яна ҳам яхши бўлади.

Мактабда меҳнат ўқитувчиларингиз андоза олишни, тиқини ўр-гатганлар. Сиз бир уриниб кўринг-чи — қандай

Спорт Спорт Спорт Спорт

Профессионал боксчилар ўртасида жаҳоннинг мутлақ чемпиони Артур Григорян «профессионал рингдаги ҳар бир ғалабадан сўнг она шахрим Тошкентни, у ердаги ёру дўстларим, яқинларимни кўрсайман, имконият туғилди дегунча дарров жонахон Ватанимга қайтишга интиланман» дейди. Дарҳақиқат, аргентиналик маҳоратли чарм кўлоп устаси Раул Балби билан кечган аjoyиб беллашувдан сўнг Артур яна Тошкентга қайтиб, турли давраларда бокс мухлислари билан учрашмоқда, ёшларга катта спорт чўққисини забт этиш сирларини ўргатмоқда.

Чемпионнинг билим чўққиларини эгаллаб катта ҳаётга йўлланма олишига замин туғдирган ўзи сабоқ олган Со бир Рахимов туманидаги 15-ўрта мактабга келиб, ўз устозлари, собиқ маҳалладошлари, ўқувчилар билан учрашганини эшитган, ушбу мактабга ҳеч муболағасиз гўёки қанотсиз учиб бордик. Зеро, Артурнинг ёшлиги қандай кечганлиги, боксга қай тариқа ошно бўлганлигини билиш қизиқ-да. Шу сабабдан учрашув олдидан 15-мактабнинг ўша пайтдаги директори Тамара Жабборовна Исмоиловани суҳбатга тортидик.

— Артур ёшлигидан ўз олдига қўйган мақсад йўлида ҳар қандай тўсиқларни енгиб бўлса-да собитқадимлик билан интилувчан, қатъий характерга эга бўлиб ўсди, — дейди Тамара она. — Уларнинг оиласи ҳам ахил, қувноқ, санъатсевар эди. Ҳар оқшом акаси Ашот аккордеон, Артур барабан чалар, сингиллари

Рузана эса рақога тушарди. Мактабда жуда аъло баҳоларга ўқимаса ҳам тиришқоқ, эҳни ўқир, бирмунча уятчан бола эди. Энг муҳими, синфдошлари уни жуда ҳурмат қилишарди, ўзи ҳам боксга қатнашиб, спортчи бўлгани билан

ди. Ҳозир ҳам Ф. Халитов, О. Кошеловалар енгил атлетика бўйича ўсмирлар терма жамоамиз аъзолари. Э. Ҳафизов эса 12 ёшда бўлишига қарамай болалар ўртасида юнорум кураши бўйича Ўзбекистон чемпионидир. Албатта А.

рингдаги ғалабалари билан боксчимизни қизгин табрик-ладилар. Артур болалик чоғларида истиқомат қилган Ёшлик маҳалласи вакиллари халқимиз удумига кўра чемпионга дўппи, белбоғ ва чопон кийгизишди. Ўз навбатида

ЧЕМПИОНЛАР МАКТАБИ



ҳеч ким билан ёқалашмас, биз ўқитувчилар учун ҳам мураккабликлар туғдирмасди.

— Мактабимизни ҳақиқий чемпионлар ўчоғи десак, муболага бўлмайди, — суҳбатга қўшилди мактаб директори Гулнора она Каримова. — Артур Григоряннинг хайрли анъаналари муносиб давом этмоқда. Хусусан, мактабимиз 1978 йилда очилган бўлса-да, шу ўтган қисқа муддат ичида С. Демин, А. Нагорний каби юнорум кураши усталари, катта теннисдан Ирина Аюпова, велоспорт бўйича Т. Саъдуллаев, футболдан Анатолий Кимлар республика чемпиони бўлиш-

Григорян каби чемпионлар билан учрашув ёшларимиз учун уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, спортга қизиқиш уйғотишда ҳар томонлама фойдалидир.

Дарҳақиқат, Артур Григоряннинг ўзи таълим олган кадрдон ўқув даргоҳидаги муаллим, ўқувчилар билан учрашув жуда қизиқарли ва фойдали ўтди. 297,107-болалар богчалари тарбияланувчилари, 15-мактаб ўқувчилари Ватан, Истиклолни маҳд этувчи, Артурнинг аjoyиб ғалабаларига бағишланган шеърлар ўқиб, қувноқ рақсларга тушдилар. Устозлари, ўқувчилар

Артур ҳам ўзининг спортдаги дастлабки қадамлари, профессионал рингдаги шиддатли беллашувлари тўғрисида батафсил сўзлаб, ўқувчилар берган кўплаб саволларга жавоб қайтарди.

Учрашув сўғида Артур чемпиончасига енгил, чаққон ва абжирона ҳаракатлар билан «андижон полкаси»га рақсга тушганида эса зал тинимсиз қарсақлардан ларзага келди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.
СУРАТЛАРДА: фойзли ўтган учрашувдан лавҳалар.

Рашид Галиев олган суратлар.

Юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларида қадимдан турли-туман халқ ўйинларини ҳамма севиб ўйнаган. Бу ўйинларнинг сони баҳор кезларида айниқса кўпайган. Наврўз сайилларида ёшу кекса, маҳалла-қўй ахли ўртасида ранг-баранг халқ ўйинлари бўйича мусобақалар уюштирилган. Бундай чоғларда эриқшига ўрин йўқ! Бу ҳақда нуруний кексалардан қизқарли хикоялар тинглаш мумкин.

Атоқли ёзувчи Фафур Фуломнинг «Шум бола» қиссасида Тошкент маҳаллаларидаги ёшлангларнинг асримиз бошларида ўйнаган ўйинлари ҳақида қизқарли хикоя қилинган: «Маҳалламизнинг бир томони Тиконимозор, бир томони Кўргонтеги. Узун кўчанинг ўнг, чап томонидаги пастанка, тор кўчаларда ўғил ва қиз болалар тўпланиб, ҳар хил ўйинлар ўйнаймиз. Кураш, «Ботмон-ботмон», «Оқ теракми-қўқ терак», «Қушим боши», «Минди-минди», «Ўғри келди», «Бекимчоқ» деган ўйинларимиз бор.

Буларнинг ҳаммаси оқшом ўйинлари, кундузги ўйинлар бошқача: ҳар хил ошдиқ ўйини, ёнғоқ ўйини, тўп ўйини, зувчиллақ ўйини, ёв-ёв, ўқ-камалак отиш, яланғоч пойга, от ўриси ва ҳоказо. Хуллас, на кечаси, на кундузи ўйин ва-жидан тақчиллик тортмас эдик».

Юқоридаги сатрларни ўқиб, бейхитёр ҳозирги болалар, ёш-ялангларнинг ўйин-машғулоти ҳақида ўйлаб қоламиз. Очиги, жуда кўпчилик ёшлар сермазмун халқ ўйинларини ўйнаш у ёқда турсин, ҳатто номларини ҳам эшитишмаган. «Ҳозирги ёшлар ва халқ ўйинлари» мавзусида ўзимизча кичик кузатиш ўтказдик: кўп қаватли бинолар ораллигидаги ойдонча

ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ



вини қулаб, нишонга олишаркан. Ўйин қондаси, охир — натижаси қандай, — биз тушунмадик. Икки-уч болақайлар дарахтларга тирмашапти. Тўғри, ўзимиз кутган ўйинни ҳам учратдик, қўшни «дом» ҳовлисида «қулашмачоқ» авжида эди...

Болаларнинг айтишларича, энг сеvimли ўйинлари — «Денди» экан. Телевизорга уланувчи махсус қурилма ва ўйин кассеталари бўлса, бас, истганча ўйнайвериш мумкин. Умуман, кенжа авлод ҳаётида қандайдир кам ҳаракатлик бордек, ўйинлар «жадвали» эса жуда қисқадек кўринади. Негаки, кўплаб болалар бизнинг

Мерос

халқ ўйинлари ҳақида берган саволимизга ҳайратланиш ва елка қисиб билан «жавоб» беришди...

Суҳбатдан мақсад — шунини таъкидламоқчимиз: халқ ўйинлари — бой маънавий меросимизнинг бир қисми, уларни қанчалик кўп билсак, шунча яхши. Юртимизнинг жаҳонга танилишида ҳам миллий халқ

ўйинларининг ўрни катта. Масалан, олис Японияда бўлган сайёх японларнинг миллий «сумо» курашини, Таиландда эса машҳур «тай» боксини албатта кўришни орзу қилади. Испанияда бука билан жанг-қориди, Арабистонда эса туялар пойгаси олама машҳур. Фақат ўша мамлакатгагина хос аjoyиботларни кўрган сайёх-меҳмонлар таассуроти чексиз бўлади. Миллий халқ ўйинларимиз ҳам ўзимизга хос бўлган ана шундай аjoyиботлардан ҳисобланади. Масалан, уйитлаётган «чиллак» ўйинини олайлик. Биз унчалик тушунмайдиган, аммо кўпгина

Мерос

мамлакатларда жуда оммавий бўлган, «бейсбол» ўйинидан нимаси кам унинг? «Лаклак», «Тикмачоқ», «Данак қимор», «Зувлатар», «Така ўйин», «Чир-кўз»... деган ўйинларимиз негача унгултият? Жуда кўпчилик ҳамюртларимиз бу ўйинлар ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас. Ўйинларни батафсил тавсифлаш мушкул, аммо таъкидлаш лозимки, уларнинг маънавий ва жисмоний тарбиядаги аҳамияти беқийе!

— «Қиз қувди», «Тош отиш», «Ланка», «Чиллак», «Оқ теракми-қўқ терак», «Арқон тортиш», — буларнинг бари фаол жисмоний ҳаракатдан иборат, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги 169-ўрта мактабнинг директори Қозим Аъзамов. — Ўқувчилар жисмоний тарбия даридаги зерикари машҳур тўпладан кўра, маълум мазмун ва мақсадга йўналтирилган миллий ўйинларни кўпроқ маъқул кўрадилар. Ўйинлардан асосий мақсад — жисмоний ва маънавий баркамолликка эришишдир.

Кўпгина мактабларимизда ўқувчиларга миллий халқ ўйинлари ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмайди. Негаки, жисмоний тарбия дарслари фақатгина футбол ва спорт машҳуридан иборат бўлади. Миллий халқ ўйинларимизни жаҳонга кўз-кўз этиш вақти келди. Бир неча йилдан буён Форсиддаги Қизилқир адирларида Ўзбекистон миллий халқ ўйинлари олимпиадаси ўтказилаётганлиги қувонарлидир. Бу ўйинлар томошасидан ҳориклик меҳмонларига эмас, балки кўплаб юртдошларимиз ҳам савимий ҳайратланганликлари сир эмас. Энди бу гўзал ўйинларни мактаб ва маҳаллаларда тарғиб этиб, уларга қайта ҳаёт бағишламоқ лозим.

Бехзод ЭГАНОВ.

Дорихона

ШИФОБАХШ МАЛҲАМ

«Протон» илмий-техник корхонаси, республика давлат ўрмон кўмитасига қарашли «Шифобахш» бирлашмаси ҳамда Тошкент шаҳар шифокорлар малакасини ошириш институтининг ўзаро ҳамкорлиги натижасида янги шифобахш «Дабл Ди» бальзами яратилди. У республика Фанлар академиясига қарашли электроника институтининг тажриба заводида синовдан ўтказилди.

Тажриба синовлари ушбу бальзам ўта шифобахш малҳам эканлигини кўрсатди. Унинг таркибида наъматак, дала чойи, ширинмия, тоғ райхони, кийик ўти, эрмон, кашнич, зира, қовоқ, тут каби йигирмага яқин шифобахш, доривор гиёҳ ва ўсимликлар, сабзавот, мевалар бўлиб у юз фойз табиий маҳсулотлардан тайёрланади. Истеъмол қилинганидан кейин ош-қозонда тезда парчаланиб, ичаклар орқали қонга ўтиб, организмнинг керак жойларига шифо беради. «Дабл Ди» бальзами организмнинг юқумли касалликларга қарши иммунитетини оширади, ички секреция безлари, ошқозон-ичак, жигар, буйрак, нафас йўлларидаги фаолиятини яхшилаб, уларнинг бир меъёрга ишлашига имкон туғдиради. Бундан ташқари танадаги қаттиқ металллар тузи, радионуклидларни чиқаришда фаол иштирок этиб, рақ касаллигининг олдини олишда ёрдам беради. Табиий маҳсулот бўлгани ҳолда инсон организмни учун зарур дармондориларга бой бўлиб, ўзидан ҳеч қандай асорат қолдирмайди. Россия тиббиёт Фанлар академиясига қарашли Сеченов институтиди ҳамда республикада Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли бир қанча клиника ва институтлардаги синовлар натижаси ҳам амалда «Дабл Ди» жаҳон андозаларида ягона эканлигини исботлади. Шунини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, жаҳон мамлакатларида ишлаб чиқариладиган барча бальзамлар таркибида спирт бўлиб, уни юрак-қон томир касалликларига қалинганлар, ёш болалар, ҳомиладор аёлларга бериб бўлмайди. «Дабл Ди» бальзамидан эса гўдаклардан тортиб қарияларгача фойдаланишлари мумкин.

Ўйлаймизки, ушбу бальзам келажакда республикамиз аҳолисини оммавий соғломлаштиришда, аёлларимизнинг ҳомиладорлик даврининг табиий ўтишида, Орол ҳавзасида яшаётган аҳолининг соғлигини тубдан яхшилашда, гўдаклар, ёш болалар ўлимини кескин камайтиришда амалий ёрдам беради. Шуниси қувонарлики, 1997 йили февраль ойида Тошкент шаҳар шифокорлар малакасини ошириш институтини биносига Испаниянинг Барселона шаҳрида ишлаб чиқилган жаҳон андозаларига мос шу бальзамни қаддоқловчи ENFLEX-F11 русумли автомати ўрнатилиб, ишга туширилди. Бу мазкур бальзамни кўплаб ишлаб чиқариб аҳолига етказиб беришга имкон туғдиради.

Ҳозир «Дабл Ди» бальзами шахримиз дорихоналарида сотилимоқда.

Икром ШЕРМАТОВ.

«02»

БОЗОРДАГИ ЗУРАВОН

Кўркам ва фойзли бозорларимиздаги шарт-шароитлар, деҳқонларнинг ўз қўли билан етиштирган сабзавот ва меваларни эмин-эркин сотишлари ҳаммага манзур бўлмоқда. Лекин айрим кимсаларнинг қилган хатти-ҳаракатлари кишини таажубга солади. Сайдали исмли шахс ҳам «Қўйлик» деҳқон бозорида А. Дилшодга нисбатан зуравонлик қилиб унинг чўнтагидан 16000 сўм пул ва икки қути «Хон» сигаретини олиб жуфтани ростламоқчи бўлганида Ички ишлар ходимлари томонидан тезда қўлга олинди.

КУЗА КУНИДА СИНАДИ

Шахримиз марказида жойлашган «Олой» бозорида ҳар кунгидек одамлар гавжум бир пайтда «Наврўз» дўконини ёнида жойлашган расталарнинг бирида савдо қилаётган аёлнинг чўнтагидан 490 сўм йўқолганлиги милиция ходимларига маълум бўлди. Уларнинг тезкор ҳаракатлари натижасида ўғрилиқ учун қидирувда бўлган чўнтаккасар Ш. қўлга олинди.

«ОҚ АЖАП»

Миробод тумани ИИБ жиноят-қидирув бўлими томонидан ўтказилган махсус тадбир давомида А. Фитрат қўчасида жойлашган ётоқхоналарнинг бирида истиқомат қилувчи, Самарқанд вилоятдан келган Боймирознинг хонасидан 60 грамм микдорда қоралари гиёвандлик моддаси топилди. «Оқ ажал»нинг сотиб текин даромад топтомоқчи бўлган шахс ушланиб, ушбу иш зўрасидан тергов ҳаракатлари давом этмоқда. Бекобод шаҳридан келган

Руслан ҳам «Оқ ажал»ни пулламоқчи бўлган пайтда қўлга олинди.

РЭЖЕТИ «МЕҲМОН»

Россиядан келган Магамед исмли шахс пойтахтдаги фирмалардан бирида тадбиркор бўлиб ишловчи А. Акмални ҳар хил йўллар билан қўрқитиб, ундан 5 минг АҚШ долларини олади. Бу ҳам етмагандек Магамед А. Акмалга яна «Москвадаги уюшган жиноятчилар учун 45 минг АҚШ долларини берасан, бўлмаса «ўзингдан кўр», дея дағдаға қилади. Ночор қолган А. Акмал Ички ишлар ходимларига мурожаат қилади. Милиция ходимлари Магамед ва унинг ҳамтоворини ашб-вий далил билан қўлга олишди.

ОХИРИ ВОЙ МАҚШАТ

Маҳмуд Ҳамза туманидаги мавзелирининг бирида истиқомат қилувчи оғайнисига тегишли бўлган «Москвич-412» автомобилни олиб, улфатлари билан айш-ишрат суришни қўзлади.

Дўстига тегишли бўлган транспорт воситасини олиб улфатлари билан спиртли ичимликни ичишда-да сўнг машинага чиқишди. Кайфи тарақ Маҳмуд автомобил воситасини елдай учуриб, шаҳар кўчаларидан ўтиб бораркан кайфнинг зўрлигидан транспорт воситасини бошқаролмай қолди. Натижада автомобиль қаттиқ зарб билан йўл четигаги дарахтга бориб урилиб тўхтади. Транспорт воситасининг ичидаги йўловчилар қаттиқ жароҳат билан шифохонага жўнатилиб уларга биринчи ёрдам кўрсатилди. Ҳайдовчи ҳозирги кунда қонун олдида жавоб бермоқда.

Обиджон ВАЛИЖОНОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
матбуот хизмати ходими.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси лицензиялик аудиторларни ўқитиш ва тайёрлашни давом эттиради.

Янги гуруҳ ўқиши 1997 йил 22 апрелда бошланади. Манзил: Тошкент шаҳри, Нийёбек йўли кўчаси, 6-уй. Телефонлар: 34-01-87, 35-72-51.

«ОЛОЙ БОЗОРИ» ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИОНЕРЛАРИНИНГ ДИҚҚАТИГА!

1996 йил якуни ва 1997 йилги иш режалари бўйича акционерлар мажлиси 1997 йил 5 май кунини Юнусобод тумани ҳокимиятининг мажлислар залида бўлади. Мажлис соат 10.00 да бошланади. Акционерларни рўйхатга олиш соат 9.00 дан бошланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Акир Темур кўчаси, 72-уй.

50, 51, 53, 54, 55, 56, 57, 58-АТС АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Қўшбеги даҳасида жойлашган 50-АТС ва Сергели-7 мавзесидаги 51-АТСларда абонент тўловлари, шаҳарларо ҳамда халқаро сўзлашувларга тўловларни қабул қилиш бўйича Миробод телефон алоқаси узелининг ҳисоб гуруҳлари ва кассаларининг шохобчалари очилди. Улар хизматидан фойдаланинг.

Маълумотлар учун телефонлар: 50-02-70, 51-88-51.

Миробод телефон алоқа узели маъмурияти.



ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Алоқа кабель иншоотларини таъмирлаш бўйича режадаги профилактика ишларининг амалга оширилиши муносабати билан 1997 йил 14 апрелдан 14 майга қадар 41-56-АТСлар ва 56-41-АТСлар йўналишидаги станцияларо алоқанинг ёмонлашуви кузатилади.

Тошкент шаҳар телефон тармоғи ва радиоплаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси.

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Алоқа иншоотларини таъмирлаш бўйича режадаги профилактика ишларининг амалга оширилиши муносабати билан 17 апрелдан 18 апрелгача Фарҳод кўчаси 8-20, 51-уйлар, У. Носир кўчаси 120а-уй, Волгоград, «Тоштўқимачиш», Сайдо Насофий, Б. Хилолий, Спитамен, Заврожий кўчаси 1, 2, Б. Хилолий 3-тор кўча, Танеев, Шукин, Яқасарой, Фурманов кўчаларига хизмат кўрсатувчи 50-АТС, шунингдек

14 апрелдан 8 майгача Юнусобод даҳаси 4-, 8-, 11-мавзеладаги 4, 5, 6, 7, 8, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 45, 44, 39, 41, 40, 42, 43, 61, 59, 58, 57, 56, 55, 54, 38, 37-уйларга хизмат кўрсатувчи 21/24-АТСларда алоқа бўлмайди.

Тошкент шаҳар телефон тармоғи ва радиоплаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси.

ШАХСИЙ ХОНАДОНЛАРДА ЯШАЙДИГАН ВА ЁНИШ МАХСУЛОТЛАРИ ДУДБУРОНЛАР ОРҚАЛИ ЧИҚИБ КЕТАДИГАН АСБОБЛАРДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ФУҚАРОЛАР

ДИҚҚАТИГА

«Тошгаз» бошқармаси 1997-1998-йиллар иситиш мавсумига тайёргарлик ишлари олиб борилиши муносабати билан режалаштирилган ҳолда печакчи-мўри тазаловчилар томонидан газ асбобларидаги шабадалатиш каналлари ва мўрконларни оммавий равишда туманлар бўйича текширувдан ўтказишларини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КўНГИЛЛИ ЎТ ЎЧИРИШ ЖАМИЯТИ:

— Миробод, Шайхонтоҳур, М. Улугбек, Чилонзор;
— Т-НУРОБОД-ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ:

— Ҳамза, С. Раҳимов, Яқасарой, Бектемир;
— «ОЛИМЖОН» ЖАМОА КОРХОНАСИ

— А. Икромов, Юнусобод, Сирғали туманларини текширувдан ўтказди.

Мўрконларни текшириш, эҳтиёт чораларини кўриш ва таъмирлаш масалалари бўйича яшаш жойинидаги ТУМАН ГАЗ ИДОНЛАРИГА ҳамда ТОШКЕНТ ШАҲАР КўНГИЛЛИ ЎТ ЎЧИРИШ ЖАМИЯТИГА (Темур Малик кўчаси, 114-уй), «Т-НУРОБОД» хусусий корхонасига (Алиев кўчаси, 72-уй), «ОЛИМЖОН» жамоа корхонасига (Лангар кўчаси, 161-уй) мурожаат қилишингиз мумкин.

Мўрконларни, шабадалатиш каналларини текшириш, эҳтиёт чораларини кўриш, таъмирлаш билан шуғулланадиган ходимлар ўзлари билан шахсий гувоҳномаларини олиб юришлари шарт. Муддати ўтиб кетган гувоҳномалар бекор қилинган ҳисобланади.

Мўрконларнинг ишга яроқлилиги тўғрисидаги АКТЛАР ЎЗ ВАҚТИДА ТУМАН ГАЗ ИДОНЛАРИГА ТОПИШИРИЛМАСА, ГАЗ АСБОБЛАРИ ТУМАН ГАЗДАН ФОЙДАЛАНИШ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ ТОМОНИДАН ОҒОХЛАНТИРИШСIZ УЗИБ ҚўЙИЛАДИ.

ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ
Toshkent oqshomi

Муассасаси
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 33-29-70;
эълонлар 33-28-95,
33-08-74, 36-57-85.
факс: (3712) 33-29-09.

Душанба, торшанба
ва Ҳама
қўллави ғана.
Нашир қорасиқичи
64690

Нашир етказиб бериш
масалалари бўйича турар
жойлардаги почта бўлимига
ёки «Тошкент почтасига»
33-74-05 телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.